



**АГРАР СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН МОЛИЯВИЙ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
АЙИМ МАСАЛАЛАРИ**

Аметов Қувондиқ Маматжанович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси
E-mail: shoxibek_2009@mail.ru

Аннотация: Уибу тезисда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаши кучайтириши билан боғлиқ турли масалалар муҳокама қилинган. Унда давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириши борасидаги саъй-ҳаракатларини амалга оширишида дуч келадиган муаммолар ва имкониятларга алоҳида эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: қишлоқ хўжалиги сектори, давлат ёрдами, қишлоқ хўжалигини ривожлантириши, ҳукумат сиёсати, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий ўсиши, қишлоқ хўжалиги муаммолари, сиёсатдаги ўзгаришлар, дехқончилик субсидиялари, қишлоқларни ривожлантириши, қишлоқ хўжалиги технологияси, барқарор қишлоқ хўжалиги, агробизнес.

Республикамида қишлоқ хўжалигини тартибга солиш бўйича қабул қилинган меъёрий хужжатларга мувофиқ, фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашуви кўзда тутилмаган. Фермер хўжаликлири ўз фаолияти йўналишлари, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини ўзлари мустақил белгилайдилар. Молиявий-хўжалик фаолиятига давлат органлари ва ташкилотларининг аралашуви мумкин эмас. Фермер хўжалиги хўжалик фаолиятининг натижалари учун ўзи жавобгардир. Давлат фермер хўжаликларининг иқтисодий маконда бошқа юридик шахслар билан тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият юритишини тўлиқ кафолатлади.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг табиий-иқлим шароитларига узвий боғлиқлиги унинг доимий тарзда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солинишини тақозо этади. Шу билан бирга, бошқа турдаги корхоналар каби, фермер хўжаликларининг фаолияти давлат иқтисодий сиёсатининг турли дастаклари асосида қўллаб-қувватланади. Жумладан:

- солиқ сиёсати орқали;
- пул-кредит сиёсати орқали;
- инвестиция сиёсати орқали;
- нарх сиёсати ва бошқалар орқали.

Давлат аграр соҳасини тартибга солиш мақсадларида фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиш жараёнида ҳам



иштирок этиши мумкин. Фермер хўжаликлари маҳсулотини харид қилувчи ташкилотлар билан шартнома тузган ҳолларда давлатнинг иштироки яққол кўринади.

Фермер хўжаликлари қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан кўллаб-куватланади, энг аввало, уларнинг қонуний ҳукуклари давлат томонидан кафолатланади. Бундан ташқари, давлат томонидан фермер хўжаликларига бевосита қуидаги ёрдамлар кўрсатилади:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоиймаший аҳамиятга молик обьектлари бўлмаган худудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш, ва алоқа линиялари қуриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш, радиолаштириш, ер тузиш, ерларни мелиорациялашни) амалга оширади;
- уларга ишлаб чиқариш обьектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатади;
- фермер хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржалар, ярмаркалар, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашади;
- давлат навли уруғ ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материаллари, органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик экинларини зааркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан тегишли агротехник хизмат кўрсатиш тизимлари орқали техникавий хизмат кўрсатади;
- қишлоқ хўжалиги техникаси, асбобускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашади;
- чорва моллар ва паррандалар боқиши учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор корамоллар олишда кўмаклашади;
- чорва-молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиб беради; - этиштирган маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишда кўмаклашади;
- консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатади.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари фаолиятида бир қатор имтиёзлар яратилган, жумладан:



- фермер хўжаликлари ўрнига ташкил этилган боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг 5 йил давомида ягона ер солиги тўлашдан озод этилганлиги;

- фермер хўжаликлари фаолиятини хукумат тузилмаси таркибида фаолият кўрсатувчи Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг рухсатисиз текшириш таъқиқланганлиги ва текширишларнинг Кенгаш рухсати билан 4 йилда бир маротаба ўтказилиши;

- янгидан фаолиятни бошлаган фермер хўжаликларига энг кам иш хақининг 300 баробари миқдорида бошланғич сармоя ажратилиши;

- фаолиятида хорижий технологияларни қўллаган фермер хўжаликларининг божхона тўловларидан озод қилинганлиги;

- мева-сабзавот маҳсулотлари ва уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни қўшимча имтиёзли ва рағбатлантириш тартибда экспорт қилишга рухсат берилганлиги;

- фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин 5 йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона солик тўлашдан озод этилганлиги ва бошқалар.

Тажриба ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларининг сони кўпайиши билан бир вақтда, улар фолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ муаммолар ва камчиликлар ҳам намоён бўлиб бормоқда.

Фермер хўжаликлари ўз фаолиятлари давомида дуч келадиган энг катта муаммолардан бири – такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун етарли миқдорда айланма капиталнинг етишмовчилигидир. Айни пайтда бу муаммони ҳал қилишда тижорат банкларининг узоқ ва қисқа муддатли кредитларидан фойдаланилмоқда. Кредит йирик ҳажмдаги молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини бериши, фоизларнинг нисбатан пастлиги, кредит муддатининг узоқ даврни ташкил этиши каби ижобий томонлари билан бирга кредит таъминоти, яъни гаров ёки кафолат топиш муаммоси, кредит муносабат ларини тартибга соладиган меъёрий ҳужжатларнинг кўплиги ва баъзи ҳолларда фермерлар учун тушунарсизлиги каби салбий томонларга ҳам эга.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ўсиб бораётган ички ва ташқи талабни қондириш учун, бизнингча, авваламбор, жаҳон бозори



стандарти талабларига жавоб берадиган, хорижий ишлаб чиқарувчи ва таъминотчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда кучли рақобатга бардош бера оладиган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш нафақат маҳсулот ишлаб чиқариб иқтисодиётимизни ривожлантиришга, балки жаҳон ҳамжамияти иқтисодиётига интеграциялашувини таъминлайди. Бу эса албатта, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига инвестицияларни киритиш билан янги техника ва технологияларни жорий қилиш асосида ҳал этилади.

Мақолада қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиялаштиришнинг инновацион усусларини ўрганишнинг мураккабликлари ўрганилиб, турли хил молиялаштириш эҳтиёжларини қондириш, хавфларни камайтириш, капиталга киришни яхшилаш, давлат ёрдамини жалб қилиш, технологиядан фойдаланиш ва барқарорликни рағбатлантириш зарурлиги таъкидланган. Ушбу янги усусларнинг самарадорлигини тушуниш, уларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини таъкидлаш учун ишончли тадқиқотлар жуда муҳимdir.

Адабиётлар:

1. Сулаймонов Ш. Аграр иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. Самарқанд., 1995.
2. Салимов Б.Т., Абдуғаниев А., Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари:// Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2007, 36-б.
3. Ташпўлатова Л.М. Минтақанинг ижтимоий-иктисодий салоҳияти.-Т.: ТДИУ, 2004.
4. Xolmanova, Z. (2020). Kompyuter lingvistikasi. Nodirabegim:-Toshkent, 247.
5. Uzoqov, I. E., Lapasova, Z. K., & Jabborxonova, G. A. K. (2022). Oziq-ovqat mahsulotining xavfsizligi: muammolar va echimlar. Science and Education, 3(7), 41- 52.
6. Имомов Р.Н., Наманган Давлат университети ўқитувчиси ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ 2.